

сонининг камайиши, маошдан норозилик билан боғлиқ меҳнат унумдорлигининг пасайиши, ишни йўқотиш хавфи туфайли ижтимоий-психологик кескинлик киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Аверина Т.А. Корпоративная культура, её типология и особенности управления / Т.А. Аверина, / Экономика и менеджмент систем управления. 2013. Т. 7. № 1.1. С. 124-134. [1]
2. Korotkov, E. (2010). Antikrizisnoye upravleniye. Moscow: Infra-M.[2]
3. Korol', V. S. (2001). Antikrizoviy menedzhment v umovakh rinkovoi transformatsii yekonomiki. Ternopil': Ternopil's'ka akademiya narodnogo gospodarstva NAN Ukraini.[3]
4. Tseli (2017) i zadachi innovatsionnogo menedzhmenta. (n.d.). Retrieved from Institut upravleniya i otsenki biznesa: <http://investobserver.info/celi-i-zadachi-innovatsionnogo-menedzhmenta/>[4]
5. Зубкова, А.В. Теория антикризисного управления предприятием: учебное пособие / А.В. Зубкова. – Саратовский государственный социально-экономический университет. – Саратов, 2010. – С. 158.[5]
6. Kambarov, Zh.H. Inqirozga qarshi innovatsion mehanizmni takomillashtirish / Zh.H. Kambarov, N.Zh. Mahmudova // Iqtisod va molija. – 2016. – No. 4. – P. 10.[6]
7. Белоус, Е.В. Антикризисное управление: зарубежный опыт и российская практика / Е.В. Белоус, Г.П. Петропавлова // Научный журнал НИУ ИТМО. Серия «Экономика и экологический менеджмент». – 2014. – № 3. – УДК 338.24. P.81.[7]
8. Tetiana, H., Maryna, C., Lidiia, K., Michail, M., & Svetlana, D. (2018). Innovative model of enterprises personnel incentives evaluation. Academy of Strategic Management Journal, 17(3), 1-6. [8]
9. Айвазян З., Кириченко В. Антикризисное управление: принятие решений на краю пропасти. // Журнал «Проблемы теории и практики управления». - 2000.- №4.[9]
10. Алферов Валерий Николаевич. «инновационное антикризисное управление предприятием» издательство «ном». москва, 2011[10].
11. Навруз-Зода Б.Н. Инновационный человеческий капитала как фактор повышения конкурентоспособности на моноуровне. Наука, инновации, общество в условиях цифровой экономики: монография / Под общ. ред. Г. Ю. Гуляева — Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение». —2021. —188 с. С:112-122.

УДК 334.7

Салихов Саидамир Алишер ўғли

ТДИУ катта ўқитувчиси
saidamir.solihov@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИДА КОРПОРАТИВ ЛОГИСТИК ТИЗИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳонда мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортида корпоратив логистик тизимларни самарали ташкил этиш мамлакат ва миллий товар ишлаб чиқарувчилари учун афзаллик ва имкониятлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариш стратегиясини ишлаб чиқишда Ўзбекистоннинг жаҳон озиқ-овқат бозорларида тутган ўрни ва эгаллаган улуши ўрганилган

Калит сўзлар: Ўзбекистоннинг аграр сектори, мева – сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш саноати, мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялаш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш.

Аннотация. В данной статье изучается эффективная организация корпоративных логистических систем при экспорте плодоовощной продукции в мире, преимущества и

возможности для страны и национальных товаропроизводителей, роль и доля Узбекистана в разработке стратегии экспорта сельскохозяйственной продукции на мировых продовольственных рынках.

Ключевые слова: Аграрный сектор Узбекистана, хранение фруктов и овощей и перерабатывающая промышленность, модернизация плодоовощной отрасли, развитие экспорто-ориентированного производства

Annotation. This article examines the effective organization of corporate logistics systems for the export of fruit and vegetable products in the world, advantages and opportunities for the country and national producers, the role and share of Uzbekistan in the development of an agricultural export strategy in the world food markets

Key words: Agricultural sector of Uzbekistan, storage of fruits and vegetables and processing industry, modernization of the fruit and vegetable industry, development of export-oriented production

Кириш. Бугунги кунда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш тармоғи Ўзбекистон аграр секторининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хом-ашёга бўлган талабини қондириш билан бирга мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятида корпоратив логистик тизимларни ривожлантиришга ва валюта маблағларини жалб қилишга имкон яратади.

Тадқиқот методлари. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортида корпоратив логистик тизимларни такомиллаштириш йўналишлари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, тариф ва нарх шаклланишини қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Натижалар ва мунозаралар. Мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобат устунликлари, уларнинг кучли ва кучсиз томонлари экспортчи корхонанинг жаҳон бозорларига кириб бориш имкониятларига кучли таъсир кўрсатади.[2]

Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шаротлари мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва ички истеъмолдан ошган қисмини экспортга чиқариш ҳамда унинг логистик тизимини ривожлантириш учун қулай бўлишига қарамай, дунё экспортида етарли даражада ўрин эгаллашимиз учун ҳали бу борада имкониятларимиздан етарли фойдаланмаётганимизни кўрсатади. [1]

Ҳар бир мамлакат иқтисодий тараққиётида унинг асосий қон томирларидан бўлган логистика тизими жуда муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан маълумки, транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришда максимал самарадорликни бугунги кунда “логистика маркази” ва “транспорт терминали” деб аталадиган махсус инфратузилма объектлари ва хизматлар комплекслари таъминлаши мумкин. Европа иттифоқи мамлакатларида транспорт-логистика марказларининг ўрни жуда катта. Хусусан, Нидерландиядаги ушбу марказлар фаолиятдан олинган даромадлар бутун транспорт сектори даромадларининг 40% дан ортиғини, Францияда - 31%, Германияда - 25% ни ташкил қилади. Марказий ва Шарқий Европанинг барча давлатларида бу улуш ўртача 30% га етади.

Хулоса. Умумий хулоса сифатида логистикада экспорт – импорт фаолияти – ички ва ташқи бозорларда тайёр маҳсулот ва хом-ашё ҳаракатини оптималлаштириш орқали товар ва хизматларнинг харидорлар учун қулай шароит, арзон нархларда етказиб берилишини таъминлаши, бозордаги рақобатни рағбатлантириш, ҳамда ташқи бозорда мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш жараёнини ривожлантиришдир дея оламиз.

Кириш. Кейинги йилларда республикаимизда мева-сабзавотчилик тармоғини тубдан модернизациялаш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳамда корпоратив логистик тизимларни такомиллаштиришга қаратилган муҳим тадбирлар

амалга оширилмоқда. Натижада мамлакатимизнинг мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш салоҳияти сезиларли даражада ошди.

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш борасида жараёнларнинг кучайиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан жаҳон бозорларига кириб бориш ҳамда экспортни амалга ошириш, шунингдек, уларнинг логистик тизимини янада ривожлантириш борасида маълум қўникмалар ҳамда ишончли ахборот каналларига эга бўлишни тақозо этади.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.12.2017 йилда “2018 — 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3422-сонли қарори, 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5388 сонли фармони, 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4239 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитни амалга ошириш жараёнларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5366-сонли фармони, 2019 йил 6 мартдаги 4230-сонли ПҚ “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда маълум даражада хизмат қилади.

Адабиётлар таҳлили. Товар ва маҳсулотларни экспорт қилишда логистика хизматидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари кўпчилик хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Энг аввало, хорижий олимларнинг логистика тушунчасига берган умумий таърифларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, А.Н. Родников “Логистика. Терминологический словарь” китобида логистикага “режалаштириш, транспортда ташиш, сақлаш ва бошқа материалларни ва номатериал ҳаракатларини бошқариш ва назорат қилиш, ишлаб чиқариш корхонасигача материал ва хомашёлар ҳаракатланиш жараёнларини такомиллаштириш, заводлар ичида хомашё, материал ва ярим фабрикатларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни охириги талаблар ва манфаатларга мувофиқ истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда тегишли ахборотларга ишлов бериш, етказиб бериш ва сақлашдир” {10} дея таъриф берган. Т.В. Косарева, И.Г. Смирнов “Транспортная логистика: Учебное пособие — М.: Центр учебной литературы, 2008. — 224с.” асарида умумий логистикага талабларни тўлиқ кондирини мақсадида хомашё, материаллар, тугатилмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, хизмат, молия ва истеъмол жойигача (қабул қилиш, жўнатиш, ташқи ва ички ўзгаришларни қамраб олган) вужудга келадиган оқимдан хабардор қиладиган илова қилинган ахборотлар оқимларини етарли даражада ва самарали (харажат ва вақт нуқтаи назаридан) бошқариш жараёнидир дея таъриф берган {11}. Логистикага оид таърифлар орасида Мичиган давлат университети профессори, профессионал маркетинг Д. Бауэрсекс “Логистика. Книга-М.: ОЛИМП БИЗНЕС, 636 стр. 2018 г.” китобида “Логистика инфратузилмаси ишлаб чиқариш объектлари, ахборот воситалари, транспорт компаниялари ва уларнинг имкониятлари, омборхоналар, юкларни ташиш, қадоқлаш, инвентаризацияни бошқариш, юкларни юклаш-тушириш терминаллари ва чакана дўконларга тегишлидир” дея таъкидлаб ўтган ҳамда ушбу таъриф бугунги замонавий логистикага берилган энг муносиб таърифлардир {12}. Резер С.М. ўз илмий изланишларида логистикага “ўз ишида ўзгаришлар шароитида минтақавий транспорт тизимларини бошқариш моделлари ва муаммолари кўриб чиқилган. Мамлакат ишлаб чиқариш-транспорт тизимида транспорт турларининг ўзаро таъсир усуллари, транспорт ишлари бозорини прогнозлаш методологияси ва магистрал йўл транспортида юклаш ишларини режалаштириш принциплари тўлиқ таҳлил этган” дея қатъий қарорга келган {13}. M Englund, T. R., Zhou, M., Duffey, K. J., & Kraak, V. I. ((2020). A Qualitative Study to Understand Stakeholders’ Views About the Fruits & Veggies (FNV) Social Marketing Campaign to Promote Fruit and Vegetable Consumption in the United States. Journal

of the Academy of Nutrition and Dietetics) ўз илмий ишларида мева- сабзавот маҳсулотларининг сотув хизматлари ва маркетинг масаласини кўриб чиққан бўлса{4}, Джеймс С.Джонсон, Дональд Ф.Вуд, Дэниел Л.Вордлоу, Поль Р.Мерфи-мл. (Modern logistics (Современная логистика). Учебное пособие. – М.: “Вильямс”, 2015) {5} илмий изланишларда замонавий логистика концепцияси масалалари кенг ёритилган. Томас Кук ва Келлей Раи (Mastering import and export management, 2017, ISBN 9780814438213) импорт ва экспорт менежментини илмий – амалий томонлама очиб берган{6}. Уша Киран Раи (Export-Import And Logistics Management, Usha Kiran Rai, ISBN 9788120340169) илмий фаолиятида доимий тарзда экспорт – импорт муносабатлари ва таъминот занжири каналлари интеграциясини илмий асослаб боради{7}. Шунингдек. Себастиан Лопполло доимий тарзда импорт – экспорт муносабатларини тадқиқ этади. (Import/Export: Guidelines for International Trade Kindle Edition, Mirabel Publishing; 3rd edition (January 14, 2018)) {8} россиялик олимлардан Декамбаева Римма Владиславовна (Исследование устойчивого потребления и устойчивого маркетинга. «SCI-ARTICLE» (декабрь)) {9} ўз мақоласида мева – сабзавот маҳсулотлари истеъмоли ва маркетинг хизматлари бўйича илмий изланишлар олиб боришган. Махаллий олимлардан Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари {3} бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Аммо, таъкидлаб ўтганимиздек мамлакатимизда маҳсулот ва товарларни экспорт қилишда логистика хизматидан самарали фойдаланиш масалалари жуда кам ўрганилган бўлиб, бизнинг тадқиқотимизнинг олдинги тадқиқотлардан фарқли жиҳати ҳам шундаки, биз ўз тадқиқотимизда мамлакатимизнинг логистик салоҳиятини таҳлил қилиш асносида мева-сабзавотларнинг экспортида корпоратив логистикадан фойдаланиш масалаларини тадқиқ этишга бағишланган.

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортида корпоратив логистик тизимларни такомиллаштириш йўналишлари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, тариф ва нарх шаклланишини қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Натижалар ва мунозаралар. Ўзбекистоннинг географик жойлашуви ва денгиз портларидан узоқда жойлашганлиги сабабли экспортёр ва импортёрлар юқорида транспорт ва логистика харажатлари кўринишида қўшимча юкни ўз зиммаларига оладилар. Денгизга чиқиш имкони бўлмаган давлат сифатида Ўзбекистонга олиб келинаётган товарлар камида тўртта "тозалаш" процедурасидан ўтади, қирғоқбўйи мамлакатлар эса фақат битта жараёндан ўтади. Шунингдек, чегарани кесиш ўтиш нуқталари сезиларли кечикишларга олиб келади. Ушбу ҳолатлар мамлакатимизнинг мева-сабзавотларнинг экспортида ўта муҳим роль ўйнайди. Бироқ, Республикамизда маҳсулотларни экспортида корпоратив логистикадан фойдаланиш масаласида сўнгги йилларда бир қатор ишлар амалга оширилди. Ҳозирда республикада 5 та яъни “Навоий” халқаро интермодаль логистик маркази, “Ангрен”, “Тошкент”, “Термиз” ва “Поп” халқаро логистика марказлари ташкил этилиб, фаолият юритиб келмоқда. Республикада транспорт-логистика соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси яратилди. Жумладан, 6 та қонун, 7 та Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, 13 та Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва 9 тадан ортиқ халқаро конвенциялар қабул қилинди. Лекин, қонунчилигимизда маҳаллий ва халқаро тарзда юкларни ташишнинг ҳуқуқий баъзаси яратилган ва имтиёзлар берилган бўлса-да, интермодал логистика марказлари ва турли хизмат кўринишдаги терминалларнинг инфратузилмалари ривожланмаганлиги сабабли транспорт-экспедиторлик хизмати бир томонлама ривожланиб, интермодал логистика марказлари ва терминалларнинг иқтисодиётимизда ўзининг мустаҳкам ўрнини топмаган. Шунингдек, транспорт-логистика соҳасидаги тарифларни баландлиги, халқаро транспорт-логистика марказларни ташкил этишда хусусий секторларнинг улушини пастлиги,

транспорт-логистика марказлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи идоравий тузилмани мавжуд эмаслиги, миллий қонунчилигимизда транспорт-логистикаси соҳасидаги жозибадорлик даражасини пастлиги, транспорт-экспедиторлик хизматларини суст ривожланганлиги каби бир қатор ўз ечимни кутаётган муаммолар ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.



1-расм. Логистиканинг долзарблигини аниқлаб берувчи омиллар

Хусусан, республикаимиз агросаноат мажмуасида етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини жаҳон бозорларига экспорт қилиш ҳамда логистик имкониятлари ва уларнинг устун томонларига қуйидаги омиллар таъсир этади:

- республикаимиз табиий-иқлим шароитларининг жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган мева-сабзавотлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун қулайлиги;
- мамлакатимизда етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг ички истеъмолдан ортиқчалиги ва уларни жаҳон бозорларига экспорт қилиш имкониятлари мавжудлиги;
- Ўзбекистон мева-сабзавотлари ва уларни қайта ишлаш асосида олинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари хуш таъми, витаминлар ҳамда микроэлементларга бойлиги, шифобахш хусусиятлари ва чиройли кўриниши билан жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги;
- республикаимиз аҳолисининг мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш борасида асрлар давомида тўплаган бой билими, тажрибаси, малака ва кўникмалари мавжудлиги;
- мамлакатимизда мева-сабзавотларни етиштириш, саноат усулида қайта ишлаш ва экспорт қилишга ҳукумат даражасида берилаётган катта эътибор ва имтиёзларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Бугунги кунда, мева-сабзавотлар экспортида корпоратив логистик тизимларни ривожлантириш соҳасидаги имкониятларимиз ва устун томонларимиз билан бирга камчиликларимиз ҳамда хатарларимиз ҳам мавжуд бўлиб:

- жаҳон бозорларида мева-сабзавот маҳсулотларига қўйиладиган сифат стандартлари, техник, санитария, гигиеник, фитосанитария, экологик ва бошқа талабларни ISO ва Global GAP стандартлари доирасида мамлакатимизда жорий этиш етарли эмаслиги;
- экспорт коридорларида инфратузилма объектлари, сервис ва транспорт-логистика тизимлари ривожланишининг талаб даражасида эмаслиги;
- мамлакатимизда мева-сабзавотчиликни механизациялаш даражасининг пастлиги, мева-сабзавотлар ҳосилдорлигини нисбатан паст даражада қолаётганлиги;

- республикаларда мева-сабзавот маҳсулотларининг логистик тизими ҳамда экспортга чиқаришга кўмаклашувчи консалтинг ва сервис хизматлари, инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги ва бошқалар.

Бугунги кунда мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавотлар дунёнинг 50 га яқин мамлакатига экспорт қилинмоқда, жумладан Испания, Италия, Ливан, Вьетнам, Голландия, Исроил ва Чехия мамлакатлари ҳисобига кенгаймоқда.

Жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларида катта мавқега эга мамлакатлар тажрибасини ўргансак, уларда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳамда уларнинг логистик тизими диверсификациялашганлигини кўриш мумкин. Яъни, бир ёки икки маҳсулот турини эмас, балки кўп турдаги маҳсулотларни экспорт қилиш ҳамда логистик тизимини ихтисослаштириш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди. Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайишига, ташқи савдо балансининг ёмонлашувига ва корхоналар молиявий аҳволининг инкирозга юз тутишига олиб келиши мумкин. Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳамда корпоратив логистик тизим географиясини кенгайтиришда энг аввало МДХ мамлакатлари доирасида интеграциялашувни кучайтириш, айниқса Россия, Қозоғистон ва Украина каби улкан сиғимга эга бозорларга катта эътибор қаратиш лозим. Бу мамлакатлар бозорлари географик жиҳатдан яқинлиги туфайли транспорт-логистик тизим харажатларининг арзонга тушиши, бизнинг маҳсулотларимизга уларда талабнинг юқорилиги ва бошқа жиҳатлари билан Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ҳамда логистик корхоналар учун истиқболли ҳисобланади.[3]

Жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси 205 миллиард долларни ташкил этган бир пайтда, бизнинг улушимиз бир фоизга ҳам етмаяпти. Мамлакатимизда 2020 йилга бориб мева-сабзавот экспортини 2,5 миллиард долларга етказиш, 2021-2023 йилларда бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказиш имкониятлари мавжуд.[5]

Ўзбекистонда ҳам сифатли ва етарли ҳажмда озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича кенг миқёсда ишлар амалга ошириб борилмоқда, хусусан, 2016-2020 йилларда пахта хом ашёси етиштириладиган майдонларни 170,5 минг ва суғориладиган ғалла майдонларини 50 минг гектарга қисқартириш ҳисобидан картошка майдони 36 минг, сабзавотлар майдонини 91 минг, интенсив боғлар майдонини 18 минг, озуқа экинларини 50,3 минг, мойли экинларни 14 минг ва узумзорларни 11,2 минг гектарга кенгайтириш билан боғлиқ экин майдонларини янада оптималлаштириш ишлари амалга оширилди.[4]

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳамда уларнинг корпоратив логистик тизимини жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи логистик корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтириш йўллари излаб топиш;

- мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи логистик корхоналарни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида ахборотлар билан узлуксиз равишда таъминлаш;

- мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб беришда транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш ва янги транспорт йўлакларини очиш орқали логистик корхоналарнинг харажатларини камайтириш;

- Корпоратив логистик тизимларни такомиллаштириш ҳозирги кунда тадбиркорлик амалиётининг муҳим ва самарали воситаларидан ҳисобланади. Логистик тизимлардан миллий тадбиркорлигимизда фойдаланиш учун бевосита тадбиркорлик хусусиятларини чуқур ўрганиш, умумлаштириш ва субъектнинг логистик оқимларидаги устуворликларини аниқлаш лозим. Бунинг учун эса, корпоратив логистик тизимда илмий ёндашувнинг

назарий ва услубий жиҳатларини чуқурроқ ва батафсил ўрганиб бу бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарур.

- Миллий иқтисодий-тимизда халқаро корпоратив логистик тизим платформасининг инновацион моделини ишлаб чиқиш ҳамда уни ривожлантириш лозим. Бу эса ўз навбатида қўшимча қиймат яратиш, савдо ва инвестициялар ҳажмини ошиши кўринишидаги узок муддатли фойдага бизнес жараёнларини пухта трансформациялаш асосидагина эришиш мумкинлигини кўрсатади. Логистик тизим платформаларининг инновацион моделларини шаклланиши мева-сабзавот маҳсулотларини ўз вақтида нобудгарчиликсиз етказишдаги хатоликларнинг олдини олиш, логистик компаниялар, минтақа ва мамлакатларга молиявий-иқтисодий ўсишни таъминлашга замин яратади.

- Иқтисодий-тни трансформациялаш жараёнида замонавий корпоратив логистика марказларини барпо этиш ва улардан самарали фойдаланиш борасидаги ишларни изчил давом эттириш натижасида, маҳаллий, экспорт-импорт ва транзит маҳсулот айланмасини ривожлантиришга кўмаклашувчи логистика марказлари ташкил этишни ўз ичига олувчи мамлакат транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида мева – сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш тизимида мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечими //“Бизнес-эксперт” журналининг 2018 – йил 9 – сонда чоп этилган. С.А.Салихов
2. Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари. Илмий мақола. “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, 2015 йил июль-август
3. Хо’jaev F.E., Po’latxo’jaeva D.M., Aytieva S.A. “XALQARO LOGISTIKA”. O’quv qo’llanma. Toshkent – 2019 yil. 231 bet.
4. Englund, T. R., Zhou, M., Duffey, K. J., & Kraak, V. I. (2020). A Qualitative Study to Understand Stakeholders’ Views About the Fruits & Veggies (FNV) Social Marketing Campaign to Promote Fruit and Vegetable Consumption in the United States. *Journal of the Academy of Nutrition and Dietetics*.
5. Джеймс С.Джонсон, Дональд Ф.Вуд, Дэниел Л.Вордлоу, Поль Р.Мерфи-мл. *Modern logistics (Современная логистика). Учебное пособие.* – М.: “Вильямс”, 2015
6. *Mastering import and export management*, Thomas Cook, Kelly Raia, 2017, ISBN 9780814438213
7. *Export-Import And Logistics Management*, Usha Kiran Rai, ISBN 9788120340169
8. *Import/Export: Guidelines for International Trade* Kindle Edition, Sebastian Loppolo, Mirabel Publishing; 3rd edition (January 14, 2018)
9. Декамбаева Римма Владиславовна. Исследование устойчивого потребления и устойчивого маркетинга. «SCI-ARTICLE» 2020.
10. А.Н. Родников. Логистика. Терминологический словарь Edition, 2 ; Publisher, INFRA-M, 2000 ; ISBN, 5862257713, 9785862257717
11. Т.В. Косарева, И.Г. Смирнов. Транспортная логистика: Учебное пособие — М.: Центр учебной литературы, 2008. — 224с.
12. Д. Бауэрсокс. Логистика. Книга-М.: ОЛИМП БИЗНЕС, 636 стр. 2018 г.
13. Логистика экспедирования грузовых перевозок / С.М. Резер; Рос. акад. наук. - М. : ВИНТИ РАН, 2002. - 468, [1] с. : ил., табл.; 21 см.; ISBN 5-900242-31-5